

УЗУМЧИЛИКДА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Ибрагимов Мансур Мардонович – СамИСИ “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада узумчилик тармоғида кластер тизимини жорий қилинишининг аҳамияти, тизимни жорий қилиниши натижалари, тармоқда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар баён қилинган.

Калит сўзлар: узум, узум навлари, кластер, қайта ишлаш, экспорт, самарадорлик.

В статье описывается важность внедрения кластерной системы в отрасли виноградарства, результаты внедрения кластерной системы и мероприятия, которые должны быть реализованы в отрасли.

Ключевые слова: виноград, сорта винограда, кластер, переработка, экспорт, эффективность.

The article describes the importance of the introduction of the cluster system in the viticulture network, the results of the system's implementation, and the measures that should be implemented in the network.

Keywords: grapes, grape varieties, cluster, processing, export, efficiency.

Маълумки сўнгги йилларда республикада қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида кластерлар ташкил қилиниб, бу ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг янги шакли жорий қилиниши натижасида соҳада маълум ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Жумладан қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган узумчиликда ҳам ушбу тизимнинг жорий қилинишида Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5200-сонли қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қарор орқали янгидан узумчилик ва виночилик кластерларини ташкил этмоқчи бўлган тадбиркор ишлаб чиқарувчиларга, ҳамда ушбу тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилувчи хорижий инвесторларга имтиёзлар яратилганлиги, айниқса, узумчиликни ривожлантириш учун ишлаб чиқарувчиларга нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий, молиявий ва консалтинг хизматлар орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари яратиб берилганлиги соҳани ривожлантириш учун яна бир катта имкониятдир.

Қарорда Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, узум етиштириш, уни қуритиш, қадоқлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишнинг тўлиқ циклини яратиш мақсадида узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этиш, мазкур кластерларга қулай шароитлардаги ер майдонларини жратиш, узум етиштирувчиларга қулай шартлар асосида кредит маблағлари ажратиш, субсидиялар бериш белгиланди.

Кластер шаклининг узумчилик тармоғида жорий этилиши бир қатор ижобий натижаларни беради. Ишлаб чиқарилаётган узумчилик маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш, тармоққа кўрсатиладиган агросервис хизматлари сифати ва таркибини яхшиланиши, тармоққа замонавий ва илғор техника ва технологияларнинг олиб кириш имконияти шулар жумласидандир. Ҳозирда Республикаимизнинг 50 дан ортиқ туманларида узумчиликда хўжалик юритишнинг кластер шаклини амалиётга тадбиқ этиш ишлари олиб бориляпти.

2021 йидан бошлаб 60 дан ортиқ узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилди ва улар томонидан 15 минг гектар майдонда жумладан, 2,5 минг гектар хўраки, 7,5 минг гектар кишмишбоп, 5,0 минг гектар саноатбоп навли узумзорлар яратилди.

Булар билан бирликда тармоқда 500 млрд сўм инвестициялар ўзлаштирилди, 3 759 нафар янги иш ўринлари ташкил этилишига замин яратилди. Ташкил этилган кластерлар томонидан 57,1 минг тонна узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш қувватлари, жумладан, 50 минг тонна сиғимли музлаткич омборхоналари, 20 минг тонна қуритиш ва 200 минг тонна узум маҳсулотларини қайта ишлаш қувватлари ташкил этилди. Натижада 250 млн долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Республикаимиз бўйича кейинги икки йил мобайнида шартли суғориладиган ва лалми майдонларда 25 минг гектар тоқзорларда томчилатиб суғориш жорий қилиниб, давлат бюджетидан жами 100 млрд сўм субсидия ва ташаббускорларга 25 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Саноат корхоналарининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида 12 минг гектар майдонда янги саноатбоп навли узумзор плантациялари барпо этилди.

Қисқа вақт мобайнида албатта кластер тизимининг жорий қилиниши билан тармоқда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бир қаторда тармоқда янада ривожлантириш, самарадорликни ошириш учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар бор. Узумнинг янги ҳосилдор, харидоргир навларини яратиш, кластерлар қошида янги узум навларини синаш майдончалари ва микро лабораторияларни ташкил этиш, узум етиштирувчилар ва юқори малакали маҳсулотни қайта ишловчи мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириб бориш шулар

жумласидандир. Узумчилик тармоғида кластер тизимининг жорий этилиши ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватланиши тармоқнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5200-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
3. Инобатов А. Ўзбекистонда узумчилик соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари *Biznes-daily.uz* 11.11.2019.
4. Хасанов С. Ўзбекистонда мева-сабзавотликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари "Экономическое обозрение" журнали 2020 йил 6 (246)-сон.